



ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Умаралиев Озодбек Шахобидинович

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10653833>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-February 2024 yil

Ma'qullandi: 08- February 2024 yil

Nashr qilindi: 13- February 2024 yil

KEY WORDS

ЭИЗлар фаолиятининг асосий мақсадлари ва вазифаларига нисбатан ҳам турлича фикрлар юзага келган.

ABSTRACT

ЭИЗлар маълум мақсадлар асосида ташкил этилиб, уларни яратишдан кўзланган мақсад негизида асосий вазифалар алоҳида белгилаб олинади. Бугунги ривожланган дунёда ҳар бир давлат ўз олдига иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини янада кенгайтириш каби вазифаларни мақсад қилиб қўяди.

ЭИЗлар маълум мақсадлар асосида ташкил этилиб, уларни яратишдан кўзланган мақсад негизида асосий вазифалар алоҳида белгилаб олинади. Бугунги ривожланган дунёда ҳар бир давлат ўз олдига иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш, халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини янада кенгайтириш каби вазифаларни мақсад қилиб қўяди. ЭИЗларни яратишдан кўзланган мақсад иқтисодий, ижтимоий ва баъзи ҳолатларда сиёсий шарт шароитларни ривожлантиришга ҳам қаратилган бўлиши мумкин. ЭИЗлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиниши билан тадқиқотчилар томонидан ЭИЗлар фаолиятининг асосий мақсадлари ва вазифаларига нисбатан ҳам турлича фикрлар юзага келган. Хусусан, инвесторлар нуқтаъи назаридан, махсус иқтисодий зоналарнинг яратилишидан қуйидаги мақсадлар кўзланади [1, б. 37]:

1. Ишлаб чиқаришни истеъмолчига яқинлаштириш;
2. Экспорт ва импорт божхона тўловларининг йўқлиги билан боғлиқ ҳаражатларни минималлаштириш;
3. Инфратузилмага кириш;
4. Арзонроқ ишчи кучидан фойдаланиш;
5. Маъмурий тўсиқларни камайтириш;
6. Худудни ривожлантириш.

ЭИЗларни ташкил этиш мақсадлари маълум йўналиш жиҳатидан тавсифланиб, бир неча категорияларга ҳам бўлиниши мумкин. Масалан, иқтисодий мақсадлар, ижтимоий мақсадлар, илмий-техник мақсадлар.

ЭИЗларни яратишнинг **иқтисодий мақсадлари сифатида** - ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштириш ва ташқи савдони кенгайтириш, хорижий ва миллий

инвесторларн жалб этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатга валюта тушумини кўпайтириш билан боғлиқ.

ЭИЗларни яратишнинг **ижтимоий мақсадлари** – янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол учун мўлжалланган сифатли маҳсулотларни бозорга чиқариш, аҳоли турмуш даражаси фаровонлигини ошириш, чекка ҳудудлар фаолиятини ривожлантиришдан иборат.

ЭИЗларни шакллантиришнинг **илмий-техник мақсадлари** – илғор хорижий технологияларни мамлакатга олиб келтириш, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижаларини амалиётда қўллаш, малакали профессионал мутахассилар тажрибаларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш қуввати самарадорлигини ошириш кабилардан иборат.

Махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш мақсадлари турлича бўлгани ҳолда, ушбу мақсадларга кўра ЭИЗларнинг асосий вазифалари ҳам белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, компанияларнинг ЭИЗлар ҳудудларида рўйхатдан ўтишлари улар фаолияти кафолатларини таъминлайди. Иқтисодий ҳудудларда рўйхатдан ўтган кампаниялар суғурта бозорида катта имкониятларга эга бўлишади. Бу эса, мамлакатда соғлом рақобат муҳити шаклланишига туртки бўлади.

ЭИЗлар фаолияти самарадорлигига эришишда ушбу ҳудудлар бошқаруви самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ЭИЗларни бошқарув органлари қуйидаги вазифаларни бажариши лозим [2, б. 82]:

- ЭИЗларда инфраструктура объектларининг яратилиши ва ишлашини таъминлаш;
- Резидентларни ЭИЗларга жалб этиш;
- ЭИЗларни режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш;
- ЭИЗ объектларини муҳандислик-техник таъминот тармоқларига уланиш мақсадида техник воситаларни олиш;
- Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ва муҳандислик тадқиқотлари натижаларини таъминлаш;
- Ижарага берилмаган ер участкалари ва бошқа мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиб бориш ва бошқалар.

Юқорида айтилганидек, ЭИЗларни ташкил этишда қатор иқтисодий мақсадлар, авваламбор, экспорт учун саноат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мамлакатга хорижий капитал, илғор фан-техника, замонавий техник ахборот воситаларини жалб қилиш зарурати туртки беради.

ЭИЗларни яратишдан кўзланган мақсад сифатида мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоқларини стратегик жиҳатдан ривожлантириш, инвестиция ва инновацион тажрибани шакллантириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсишига эътибор қаратилиши ҳам тилга олинади.

Шунингдек, ЭИЗлар фаолияти ўзига хос таъмойилларга эга бўлиб улар қуйидагича:

- Резидентлар фаолиятининг ташкилий шакли ва имтиёзларнинг иқтисодий механизми;
- Ишлаб чиқарувчи кучларни зоналаштириш доирасида жойлаштириш;

- Худудда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматларга оид иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар;

- Махсус иқтисодий зоналар бошқа соҳалар ҳисобига ўз чегараларини кенгайтириб боради. [3, б. 44]

Махсус иқтисодий зоналар фаолиятининг асосий тамойиллари қаторида, биринчи навбатда, худуд белгиланиши, алоҳида ҳуқуқий мақоми ва махсус иқтисодий зонадаги солиқ ва бошқа режимларни инобатга олиш муҳим. [4, б. 103]

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этишда маълум босқичлар аҳамиятга эга. Улар зонанинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, худудларни ташкил қилиш шарт-шароитларини ўрганиш, лойиҳалаштириш, техник иқтисодий асослаш ва экспертизадан ўтказиш. Ушбу босқичларни самарали ташкил этиш минтақада эркин иқтисодий зоналар турини тўғри танлаш ва жойлаштиришни тақозо этади. [5, б. 14]

Махсус иқтисодий зоналарнинг бир тури сифатида баҳоланувчи ЭИЗлар турли мақсадларда ташкил этилиши юқоридаги таҳлиллар давомида ўрганилди ва бу борада қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, ЭИЗларни яратиш мақсади миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимооти жараёнига чуқур интеграциялашувини таъминлаш ҳисобланади. ЭИЗда рақабатбардош экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали хорижий валюта тушумини кўпайтиришга эришилади;

Иккинчидан, ЭИЗлар авваламбор импорт ўрнини қопловчи юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг ички бозорга киришини таъминлайди;

Учинчидан, махсус зоналарни ташкил этишда товар ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, туризм, маданият ва санатория-курорт соҳалари ривожланиши ва интеграциялашувига имкон яратади;

Тўртинчидан, ЭИЗларни ташкил этиш замирида янги технологик қурилма ва иншоотларнинг мамлакатга кириб келиши осонлашади;

Бешинчидан, ЭИЗларни ташкил этиш бирор худуд ёки соҳасининг иқтисодий рағбатлантирилишини назарда тутлади;

Еттинчидан, ЭИЗ иқтисодиётни модернизация қилишнинг минтақавий усули сифатида қаралади.

ЭИЗларнинг яратилиши ва ривожланиши мамлакатга чет эл хорижий валюталарини жалб этиш мақсадида, давлат стратегияси даражасида муҳим аҳамият касб этади. ЭИЗларнинг самарали ишлашини таъминлашда хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан махсус солиқ имтиёзлари тақдим этилиши лозимлиги мутахассислар томонидан тавсия этилади. Шунингдек, бу борада инвестиция муҳитини яхшилаш, минтақавий инфратузилмани яхшилаш ҳам муҳимдир. ЭИЗларни яратишдан кўзланган асосий марраларга эришишда бу борада тизимли ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлиб, тизимли ёндашув инвестиция жараёнининг ҳар бир босқичида қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга ошириш каби вазифаларни бажаришни тақозо этади. Бундай вазифалар сирасига қуйидагиларни келтириш мумкин:

А. инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш;

В. банк-молий секторини ривожлантириш;

С. хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш учун махсус имтиёзлардан фойдаланиш. [6, б. 70-74]

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва унинг келгуси истиқболлари, уларнинг самарадорлиги тўғрисида таҳлилларни амалга оширишда ҳамда эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлигини баҳолаш учун 5 та асосий кўрсаткичлар гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинади. Ушбу кўрсаткичларни аниқроқ кўрсатиш учун уларни тизимлаш мумкин. [7, б. 9]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сухорукова О.А., Барбина А.М., Создание особой экономической зоны как способ стимулирования региональной экономики // Управление социально-экономическим развитием регионов: проблемы и пути их решения: матер. III Междунар. науч.-практ. конф.: Курск, 2013. – С. 37.
2. Фролов А.С., Проблемы планирования научно-технологического развития на государственном уровне // Проблемы прогнозирования. 2014. № 6. – С. 82.
3. Аволоков Я., Мировая экономика. - М.: Вид, 2013. – с. 44.
4. Порохович Д.С., Экономическая теория // - М.: Дрофа, 2014. - с. 103.
5. Рашидов М., Минтақаларда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарблиги, Иқтисодий таҳлиллар ва прогнозлар, 2021. №2(13) – б. 14.
6. Тинтулов Ю.В., Концепция компромисной оценки эффективности инвестиционных проектов корпоративных структур пищевой промышленности // Азимут научных исследований: экономика и управление. 2014. №2., – С. 70 -74.
7. Қорабоев Ш.А., Инамов Г.А., Алабаев С.И., Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновациялар” Илмий электрон журнал №1. 2018.